


# “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун МОХИАТИ.

Коррупция бир давлат эмас, балки бутун бир минтақа ёки жаҳон тараққиётига таҳдид солувчи иллатдир. Чунки у демократия ва ҳуқуқ устуворлигига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, иқтисодиётни издан чиқаради, уюшган жиноятчиликнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.



Коррупция атамасининг этимологияси хусусида турли фикрлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрига кўра у лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «пора эвазига оғдириш» деган маънони англатади. Бошқа бир қарашга кўра коррупция атамаси лотинча «corruptere» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузилиш, айниш, таназзул» деган маънони билдиради.

Коррупцияга қарши курашиш кўп ҳолда унинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этишдан иборат бўлади.

Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплигини киритиш мумкин. Тақиқлар, рухсат бериш тартибларининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат хизматчиларининг манфаатлари етарлича ҳимоя қилинмагани ҳам коррупцияга йўл очади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, 1997 йили қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясида коррупция мамлакатнинг миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири дея эътироф этилди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида ҳам коррупцияга қарши курашиш масалалари белгиланган.

Ўзбекистон 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь), 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашишнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилган. Шунингдек, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Ушбу тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 январиди «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Қонунда коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари белгиланган бўлиб, булар: Бош прокуратура; Миллий хавфсизлик

хизмати; Ички ишлар вазирлиги; Адлия вазирлиги; Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишда давлат органлари билан жамоатчиликнинг мустақам ҳамкорлиги, хусусан, жамоатчилик назорати талаб этилади.

Жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва мансабдорлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя этмаган ҳолатларни аниқлашга қаратилган, жамоатчилик назорати субъектлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган чора-тадбирлар мажмуидир.

Коррупцияга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг маслагига айланиши керак. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда ҳам аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик институтларига кенг ваколатлар берилган бўлса-да, бу борада ҳали муаммолар кўп. Мисол сифатида:

- фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратнинг ўрнатилмагани;
- давлат бошқаруви органларида коррупция даражасининг камаймаётгани;
- коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари билан халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиш борасида муаммоларнинг мавжудлиги;
- коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари фаолиятининг етарлича шаффоф эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари борасидаги янгиликлардан яна бири шуки, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2017-2018-йилларга

мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Давлат дастурида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, у орқали мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар ташвиқотини тубдан яхшилаш кўзда тутилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, фақатгина коррупция учун жазоларни оғирлаштириш йўли билан бу иллатга қарши курашиб бўлмайди. Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ эмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назоратида эканини чуқур ҳис этиши коррупцияга қарши курашишнинг муҳим шартидир.

**Сурхондарё вилоят суди жиноят**

**ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси**

**К.Назаров**